

## ЗАЙНИДДИН НОРМАН

Нафис гулларни  
қалбида экиб,  
кафтида кутарган ажойиб,  
камтар самимий,  
қалби безубор, мақсадлари  
улкан зотларга бағишлайман.

# НАФИС ГУЛЛАРИМ БУ...

Ўзбекистон  
Миллий кутубхона-  
си ке-не пок қарб-  
ларни мақолида қорла-  
молак дейсан. Ушундан  
Бўлиб қолверадим...  
таъналаримни ушундан  
ларни қилдингиз а доғим  
Безамини ушундан  
қутубхона-  
мақолида қорла-  
Муаллими  
А.А.А.  
5.02.2014г.

“Хазина калити” кутубхонаси  
Тошкент-2013



84(5930)7

Мазкур китобдаги шеърлар изланувчан ижодкор Зайниддин Норманнинг навбатдаги ижод намуналаридан сараланди. Яшаш шавқи, ижод завқи туфайли инсон ўз шижоати, меҳнати эвазига инсонлар орасида нафис гулларга бурканиб боради. Айримлар бу нафис гулларни умрбод орзу қилиб яшайди. Шу билан бирга она-Ватан олдида қарздорлигини ҳис қилади. Зотан, бу нафис гуллардан олинган илҳом ижодкорнинг ижодига ижод қўшади. Кўнгилда эзгу, некбин нафис гуллар билан ҳидлар таратади, натижада кўнгиллар гуллардек очилиб яйрай бошлайди.

Умид шулки, ушбу ижод намуналари ҳам шеърият ихлосмандларига манзур бўлади. Ҳаяжонларга йўғрилган сатрлардан олган таассуротлари жўшқин қалбларга олам-олам завқ улашади. Келажакка бўлган орзу-умидларни оширади.

Ю 42374  
0

2014/20	Alisher Navoiy
1429	nomidagi
	O'zbekiston MK

© Зайниддин Норман, 2013  
© “Хазина калити” кутубхонаси, 2013

## ЯШНАБ, ГУЛЛАБ ТУРИШГАЙ...

“Нафис гуллар қачон кўқарар?” деб инсон бир умр ошиқиб яшаса керак. Бу гуллар ҳам ўзидан-ўзи кўқармайди. Бу гуллар ҳам инсон меҳридан баҳра олиб яйраб яшашни хоҳлайди. Бу гуллар ранги хилма-хил бўлгани каби уларнинг меҳри ҳам инсонга нисбатан ҳар хил бўлади. Бу гуллар соясида биргина ўтиришнинг ўзи ҳам бахтиёр онларга етаклайди. Уни қучоқ очиб бағрингизга боссангиз, роса роҳат оласиз. Ҳидига маст бўлиб, яна туғилгандек бўласиз. Сизга бахт олиб келувчи бу гулларнинг ҳиди шу қадар нафиски, инсон димоғини ҳайратларга солади. Кўнгилни тоғ каби пурвиқор қилади. Энди бу тоғларда кўқарган долаларга таъриф беришга инсон ақли лол қолади. Лол қолишнинг ўзи инсон қалбини юксакликка етаклайди. Бу юксаклик инсон кўксини тик тутати. Олдига қўйган улкан-улкан мақсадларга етишга ундайди. Бу гулларни Нурота тоғ тизмаси Октов ёнбағриларида олиб келганман. Бу гулларда муҳаббатга ошно қалб эгаларининг нафис ва мафтункор ҳислари кезиб юрганга ўхшайди...

Бугун Тошкенти Азимнинг чиройли инсон қалбини ром этгувчи гўшаларида ҳам ўша гуллар шуқуҳи сайр қилиб юрибди. Ҳар кун эрталаб туриб ўша гулларнинг нафислигидан ҳайрон қоламан. Ҳидлаб ҳидига тўймайман... Менинг жисму таним яйрайди. Қалбим бу дунёнинг етиб бўлмас уммонларига етаклайди. Бу гулларнинг ҳар бир баргида муҳаббатнинг қалбга бўлган меҳри ётади. Бу ётган муҳаббат сирларини ҳар бир инсон очишга интилади. Ҳамма ҳам бу сир-асрорларни ечолмайди. Бу гуллар ҳаммага ҳам кўнгил бериб, сирларини айтмайди-ку! Бу сир-синоатларни бир кунда очиб бўлмайди. Ҳаёт чексиз бўлгани каби булар ҳам туганмас эканлиги ҳаммага аён... Бу эккан нафис гулларимдан умидим катта... Ҳали гўзал гуллар майдонидан ниятларим чиқиб кетгани йўқ. Бу нафис гуллар майдонида роса кўпқари чопса керак. Бу экилган ҳар бир нафис гуллимдан олам-олам завқ олишга ошиқаман. Барибир инсонга завқ, омадларни олиб келишига ишонаман. Ҳар тонгда туриб ўша гулларимни парвариш қилишга шошиламан. Уларга атаб шеърлар битиб қўяман. Чунки китобимни ҳар бир варағи

нафис гулларга бурканган. Доим гулларнинг нафислигини яхши кўраман. Муҳаббатга лик тўла бу нафис гулларим мени онам каби эркалайди. Йўллардан адашсам, тўғрилашга интилади. Дунёдаги жамики гўзалликлар қалбимни ром этиб келган. Нафис гулларим эса шеърят майдонига етаклаб келган десам, муболаға бўлмаса керак. Нафислик, гўзаллик дилларга рўшнолик олиб келади.

Муҳаббатга ошно нафис гулларимни доим қўмсайман... Уларнинг ҳидларидан тўйиб-тўйиб ҳидласам ҳам тўймайман. Инсон бундай олижаноб фазилатларга тўйиб қолса, ҳаёт ҳам қизиқ кечмаслигига аминман. Инсон қалби яхшиликларга бир умр интилиб келган. Буларни барчаси ҳаётга бўлган қизиқишни орттиради. Нафис гулларимдаги муҳаббат боғлари доим ям-яшил бўлгай. Бу боғларда юрган инсонлар қалбини яйратиб-яшнатиб юрсин... Қалби рўшноликка ошно бўлиб, гўзал хаёлларга ошно бўлади. Қалбдаги сокинлик, беғуборлик инсон умрига умр қўшади. Дилларга хиралик солмайди. Умри нафис гуллар каби ранг-баранг ўтади. Қўлимдаги нафис гулларим ҳиди анвойи муаттар ифорларга бой бўлсин... Кўтариб юрган қўлларим ҳам гулларим каби яшнаб турсин... Нафис ифорлари димоғимга урилиб, яшнатиб, беғубор лаҳзаларга етаклагай... Нафис гуллар кимга насиб қилиши ёки қилмаслиги яратган кодир эгам – Аллоҳга аён. Бу нафис гулларни қўл қафтида олиб юришнинг ҳам ўзгача гашти бор...

Бу нафис гуллар қалбимнинг тўрида кўкариб, атроф-муҳитга ўзининг нур-зиёларини сочганга ўхшайди. Қафтимда кўтарган нафис гулларим кўзларни қамаштириб, юз камалак рангларига кириб, қалбимда кўкарган нафис гулларимга озуқа берганга ўхшайди. Гулнинг ўзини кўрганингизда кайфиятингиз қандай кўтарилади. Энди ўйлаб кўринг – нафис, сараси бўлса, энг гўзал сўзлар таърифи ожизлик қилади. Дилларга рўшнолик солган нафис гулларим ҳеч қачон сўлмагай... Улар доим қалбларни ром қилиб, кўкламой каби яшнаб туришгай... Бу гуллар бир умр қалбимда бокира бўлиб қолаверади...

## ОНАИЗОР МАДҲИ

Онам сўзи юрагимни эркалайди,  
Мудроқ қалбим ўчоғига ўт қалайди.  
Болақайни юзидаги қувонч ҳисси,  
Бу дунёни бешик каби аллалайди.

Онага тенг бу дунёда одам бўлмас,  
Хафа бўлса само ёрқин олам бўлмас.  
Бир қўлида бешикни ва кенг дунёни  
Тебратган бу инсонни, айт, ким билмас?!

Она яшар болам яхши бўлсин деб,  
Яхши-ёмон кунимда ёнимда турсин деб.  
Орзу-ҳавас, мақсадлари мўл бўлсин деб,  
Келажақда йўли порлоқ бўлсин деб.

Она меҳрин ҳеч кимсадан топиб бўлмас,  
Она каби фарзандига ғамхўр бўлмас.  
Қалбидаги тоза, эзгу тилақларни,  
Бу дунёда она каби айта билмас.

Она юзи кулса дунё кулади, чин,  
У йиғласа, замин ҳам йиғлар ботин.  
Мушфиқ она кўзидаги нурлар билан,  
Хавф-хатарнинг йўлларини тўсар бетин.

Она сути алла билан жонга ўтар,  
Боласига яхши-яхши тилак битар.  
Онаизор бу ҳаётга завқ-шавқ солса,  
Турмуш жуда гўзал ҳамда тотли ўтар.

Фарзандининг камолини кутар она,  
Соҳир юзи нурга тўла, кек бегона.  
Қобил фарзанд ундан илҳом олса магар  
Волидасин эслаб ажиб шеърлар ёзар...

30.10.2013.

## ТИЛАЙМАН

Ойдин тунда юлдузларим порлаганда,  
Муҳаббатга ошно қалблар яйраганда.  
Қалбим инграб, бахт армонга айланганда,  
Муҳаббатга ошно қалбга ишон, ёр!

Ҳаёт ҳам ўтади тўс-тўполон билан,  
Севги ҳам ёнар, шодлик, завқу шавқ билан.  
Гоҳида бахт барханлари бузилиб кетар,  
Муҳаббатга ошно қалбга ишон, ёр!

Дунё билиб-билмас сир-асрорга бой экан,  
Кимгадир кенг, кимнинг ҳоли вой экан.  
Барча қалб ҳам армонларга бой экан,  
Ҳаёл каби этмас чексиз сирли уммон экан.  
Муҳаббатга ошно қалбга ишон, ёр!

Чўлларда қолса, қуш қушига ишонгай,  
Ғамғусса босса, ўз кучига ишонгай  
Ишқ йўлида дил дўстига ишонгай,  
Муҳаббатга ошно қалбга ишон, ёр!

Сирли тушлар кўриб тунни кунга улайман,  
Дилим руҳан эзилиб кўз ёшларга тўлгайман,  
Тунда туриб бахт қушини излайман  
Соф севгига бахту-тахтлар тилайман.  
Муҳаббатга ошно қалбга ишон, ёр!

Ҳаётимдан сира-сира нолиган эмасман,  
Ёмонлар кезган йўллардан юрган эмасман.  
Нафис гулларимдан узоқ кетган эмасман  
Тақдиримдан, гулларимдан кечган эмасман.  
Муҳаббатга ошно қалбга ишон, ёр!

Сирли орзуларим фалакларга учгани йўқ,  
Юлдузларим эрта порлаб сўнгани йўқ.  
Нафис, гўзал гулларим ҳам сўлгани йўқ  
Бахтим учун курашлардан тўйганим йўқ!  
Сен барибир ёлғизсан, чин муҳаббатим!

21.02.2013

### **АЖИБ ДУНЁ ҒОЯСИ БОР...**

Юзларингда сарҳадларни изи бор,  
Кипригингда тик қоялар сояси бор.  
Кўзларинг-ку гавҳар мисол оловкор  
Дилгинангда ажиб дунё ғояси бор.

Ҳар сўзинг асов отдай ўйнатади юракни,  
Юзларингда Бибихоним сиймоси бор,  
Маъюсгина нигоҳи йиғлатади юракни.  
Суханингда нафис гуллар, ҳисси бор.

Аста хиром айлагайсан кўксинг тик қилиб,  
Бола-чақам деб чопасан кунни кеч қилиб.  
Хокисор, мўралайсан эшикларни очиб ланг,  
Жилмаясан ошиқларинг ҳолин айлаб танг...

Бардошингга дош беролмай тоғу тошлар синиб кетар,  
Метиндек ироданг қилични ҳам кесиб кетар,  
Бир киё боқса гар юрагингни ҳам юлиб кетар,  
Ишваларинг ошиғинга, мошиғинга ёкиб кетар...

Юзларингда сарҳатларни излари бор,  
Кипригингда тик қоялар сояси бор.  
Кўзларингда маржонларни сараси бор  
Дилларингда ажиб дунё хислати бор.  
Сен-жаннатсан, гўзалсан, мушфиксан  
Аёл!

07.02.2013

## МАКТАБИМ

*26-ўрта мактабни битирганимга  
ўттиз йил тулиши муносабати билан*

Кўлимга алифбо тутқаздинг ўзинг,  
Шеърият майдонин кўрсатдинг ўзинг.  
Китоб-устозлардан дурларни олиб,  
Илму фанда заҳмат чекдирдинг ўзинг.

Дунё сир-асрори уммонга ўхшар,  
Инсон салобати тоғларга ўхшар.  
Инсон қалби нафис гулларга ўхшар  
Инсон ақли эса гавҳарга ўхшар.

Ёшлик фасли зебу забарга ўхшар,  
Илм тошга ёзилган тамғага ўхшар.  
Ёшликдаги ишқнинг турфа ҳоллари  
Ҳаётга нур, зиё сочганга ўхшар!

Минг йиллик тарихни ўргатдинг ўзинг,  
Қалбимдан дардли сўз ёздирдинг ўзинг.  
Ҳаёт сарҳадларинг чизиб бирма-бир,  
Теран фикрлашга ўргатдинг ўзинг.

19.02.2013



## СИРЛИ ДУНЁ

Баҳор каби қалбим ҳам гуллаб кетди,  
Нафис гуллар атрофимда яйраб кетди.  
Камон қошли зеболарим юзларидан  
Нур-зиёлар самоларга учиб кетди.

Кўкламойдан таъсирланиб еру кўк ҳам,  
Кўзларимни гулларимга ўраб кетди.  
Боғларимда очилмаган нафис гулим  
Эрта-индин келаман деб сўраб кетди.

Бу гулларда ажиб дунё сирлари бор,  
Инсон ақли етмаган дурлари бор.  
Бу дунёни зир-зир титратган  
Сирли дунё пирлари бор!

16.03.2013

## ТЎРТЛИКЛАР

Кўз ёшимдан дарёлар ҳам тўлиб кетди,  
Оҳ-воҳлардан юрагим ҳам эриб кетди.  
Дардларидан юрак-бағрим куйиб кетди  
Чин сўзлардан ёлғонлари битиб кетди...

20.02.2013

\* \* \*

Инсон юрмас йўлдан,  
Одам бормас чўлдан,  
Гуллар ўсмас даштдан,  
Кўнглим тўлмас гаштдан.

7.04.2013

\* \* \*

Соатлаб қардим йўлларингизга,  
Куну тун термулдим бўйларингизга.  
Нафис гулдек ҳисларингиздан  
Тўйиб ҳидладим гулларингиздан.

24.05.2013

\* \* \*

Бир дунё армону дардлар ташлаб кетдингиз,  
Йўлингизга кўзларимни боғлаб кетдингиз.  
Ишқ йўлида дилимни доғлаб кетдингиз  
Дилингизни меҳрингизга чирмаб кетдингиз!

22.06.2013

\* \* \*

Отажоним, тилагим: ҳар дам  
Шод руҳингиз доим қўлласин.  
Ҳамда мени сербахра, кўркам,  
Эзгу ишлар сари йўлласин!

04.01.2014

## ТИББИЙ МАСКАН

Тошкентда зўр туман Яккасаройдир,  
Ўзгача тарихли, хислатли жойдир.  
Тиббий масканлар бу жойда сероб,  
Шифо даргоҳлари давога бойдир.

Шифокор, ҳамшира мутахассислар,  
Беморга бахш этар умидбахш ҳислар.  
Тиб илми ўзгача Яккасаройнинг  
Дардидан фориғлар шу жойни излар.

Шифокорга ҳамкор ҳамширалардир,  
Беморга мададкор ҳамширалардир.  
Ҳам ўзи, ҳам сўзи беморга малҳам,  
Соғлиққа фидокор ҳамширалардир.

Танловда билайлик энг аълосини,  
Хизмату хислатда бебахосини.  
Ҳамшира ҳамиша бўлсин мукамал,  
Беморларга берсин пок давосини.

Яккасарой, ўзинг якка бўлсанг ҳам,  
Ёнингда ҳамроҳдир барча табиблар.  
Дилингда жўш урар шеъру ғазалинг  
Куну тун бонг урар барча юраклар!

23.04.2013

## БЎЛМАДИ ЁР

Дарду хасрат қалбга тўлиб тошганида,  
Кўз ёшларим ирмоқ бўлди, сой бўлди ёр!  
Даво истаб ўзинг томон шошганида,  
Нажот топмай кўнгил музли жой бўлди, ёр!

Фоний дунё кўзга гўзал кўринганда,  
Баҳор фасли менга шафқат қилмади, ёр!  
Васлин истаб фикру хаёл чорасида,  
Забун ҳолим билмади ҳам кечмади, ёр!

Кўз ёшларим ирмоқлари ерга сингмас,  
Хаста қалбим дардга малҳам топмади, ёр!  
Фироқ ўти мен ошиқни ўртаб сўнмас,  
Айрилиқнинг йўлларини ёпмади, ёр!

Ҳис-туйғулар йўлларимга тўсиқ бўлди,  
Бирон-бир дўст ёнгинамда турмади, ёр!  
Меҳрим жўшиб туйғуларга чўмганида  
Шеър битилган китобларим йиғлади, ёр!

Ишқинг боис девонавор ҳолим кўриб,  
Душманларим қарсақ уриб қулишар, ёр-  
Муҳаббатдан мосуво ҳам ғофил юриб,  
Севги кадрин улар қайдан билишар, ёр?!

01.05.2013

## АҚЛИМНИ ЛОЛ ҚИЛИБ КЕТДИ

Муҳаббат сайр айлаб, кезган йўлларда,  
Чиндан айтган дил изҳорим қолиб кетди.  
Ҳар биттаси қалбим солиб хатарга  
Ич-ичимдан ҳасратларим очиб кетди.

Барибир ҳам ҳасрат билан яшамайман,  
Дил изҳорим айтишдан ҳам чарчамайман.  
Қалбим тўлиб ҳайратларга тошганида,  
Шеърү ғазал ёзишдан ҳам чарчамайман.

Қанча нафис, кўркам гўзал бу дунё,  
Кимгадир тор, кимларгадир вой.  
Муҳаббатни ардоқлаган ҳар инсон,  
Келажаги порлоқ ва бўлади бой.

Муҳаббатнинг нафис гуллари  
Ақлимни лол, маст қилиб кетди.  
Ҳеч айтмаган сўзим сингари,  
Сеҳрли китобларга ёзиб кетди.

Муҳаббатнинг сир-асрорлари  
Туганмас, чексиз уммон экан.  
Бир умрга қалбим ром этган  
Поёни йўқ бир жаҳон экан...

3.03.2012

## КУЙЛАГАНДА...

*Ўзбекистон халқ артисти  
Гулсанам Мамазоитовага*

Хонишида бир дунё армону дардлар,  
Мухлислар қалбини дилдан йиғлатар.  
Кўнгилдан яралган куй наволари  
Ҳаттоки булбулни нолон бўзлатар.

Овози жаранглаб дил яйраганда,  
Ишқибозлар ичра авж олар ханда.  
Юраклар бетин зир-зир йиғлашар.  
Овоз пардасини сал кўтарганда.

Жисму тани наво билан дўстлашар,  
Хониш айлаб само ила бўйлашар.  
Ажаб-ажаб дея хониш қилганда  
Санъат саройида куй-наво жўрлашар.

Ўтмишдаги наво эслатар кимни,  
Овозига ҳайрон айлар ишқимни.  
Гулсанам ўз услуб, ижроси билан  
Дунё бўйлаб ёяр дилбар шеъримни!

Унвонлар инсоннинг кўксин безайди,  
Илҳомланиб дилдан жўшиб куйлайди.  
Олқишлар дилларни ҳайратга солса,  
Ватан мадҳин куйлаб ўзи яйрайди!...

06.12.2013

## БАҲОР ФАСЛИДА

Одамлар ҳеч замон меҳрин сотмасин,  
Нафис гуллар янглиғ безасин боғни.  
Севишганлар ҳеч қачон гулин отмасин  
Ишқ кадрига етган орин сотмасин!

Эзгу ришталарга тузоқ қўймасин,  
Инсон қўнглига ғашлик солмасин.  
Дунё сарҳадларини бирма-бир кезиб,  
Муҳаббат ҳақида гийбат қилмасин.

Дунё ғоят ажиб баҳор фаслида,  
Бу сўзлар айтилар кўклам чоғида.  
Ҳис-туйғулар сўнмас, чексиз аслида  
Ниҳолдек ғаройиб баҳор фаслида.

Инсон қалбининг кўркисан ўзинг,  
Самода ягона ёрқин юлдуз сен.  
Ҳаёт бўстонида ибратсан ўзинг  
Дилларни хайратда қолдирган ўзинг.

Юрагимни ишққа чорлаган ҳам сен,  
Баҳорнинг ибоси, гўзали танҳо.  
Дилларда куй битиб, дoston битказган  
Санъатда юлдуздек порлаган ҳам сен.

15.07.2013

## ДИЛ ИЗҲОРИМГА

Қалбимнинг туғёнли ажиб сезгиси  
Илк бора айланди дил изҳоримга-  
Ишқ дардига дучор руҳим севгиси  
Ўзин аён этди илк дилдоримга.

Эсласам, ҳапқириб кетади юрак,  
Ўша дам сеҳридан жўшаман ҳамон.  
Ўша ҳолатига ўтади юрак,  
Яна жисму жоним босар ҳаяжон.

Соҳир муҳаббатнинг сир-асрорлари  
Чеки йўқ, туби йўқ зўр уммон экан.  
Севги созига банд кўнгил торлари  
Умрбод сернаво, серфигон экан.

Гулгун муҳаббатнинг хуш ифорлари  
Ақлу руҳимни лол, шайдо қилади.  
Илҳоми айттирган дил изҳорлари  
Шеърларни қоғозда пайдо қилади.

Қанчалар мафтункор, гўзал бу дунё,  
Ҳамиша кенгга – кенг, торга – тор экан.  
Севган, севилганга асар бу дунё  
Ҳақиқий муҳаббат токи бор экан!

24.07.2013




## ГУЛ ЭКИБ БЎЛМАС...

Гап-сўздан иморат ясаб ҳам бўлмас,  
Муҳаббатсиз ҳаёт инсонга боқмас.  
Фикрсиз тафаккур қайда бор, дўстлар,  
Адолатсиз ҳақиқатни топиб бўлмас.

Меҳрсиз дилга гул экиб бўларми,  
Юлдузсиз осмонни кўриб бўларми,  
Ақлу заковатда ягона хилқат –  
Инсонсиз самони қучиб бўларми.

Камина ҳали ҳаётдан совиган эмас,  
Ё ҳаддидан ошиб шеър ёзган эмас.  
Нафис гуллари ўсар баравж ва кўркам,  
Боғдаги чинорлар ҳам қуриган эмас...

08.09.2013



## ҚАСРЛАР ҚУРДИМ

Гулларнинг баргидан бахтимни излаб,  
Қалбим саройига лолалар экдим.  
Ҳаёт нашидасин севгидан излаб,  
Энг гўзал сўзлардан қасрлар қурдим.

Муҳаббат боғлари чексиз уммондай,  
Доим кўксимни кўтарар баланд.  
Ўзимдан-ўзим бу дунёга сиғмай  
Ки жоним ҳамиша муҳаббатга банд.

Муҳаббат ҳайратга солади дилни,  
Ошиқ ҳаётини камолга элтгай.  
Диллардан доим сокинлик излаб  
Инсонни кўзлаган мақсадга элтгай.

Гўзаллик қалбда мавжлар уйғатор,  
Ҳаётни яшашга бошидан бошлар.  
Севгидан яйраган ошиқ шаънига  
Аллоҳдан раҳматлар доим ёғилар!

Қалбимнинг нурлари зиёга тўлар,  
Дунёда муҳаббат мукаррам ҳар вақт.  
Дилимда порлаган зебу забарлар  
Ҳар саҳар уйғонар офтобдан барвақт.

Ҳеч қачон йўлларда сарсон бўлмасин,  
Дилларни ёритган оташ муҳаббат.  
Тухматлар, бўҳтонлар бўрондай тинсин,  
Армонда қолмасин қалб-нафис хилқат!

24.09.2013

## ЮРАК НОЛАСИ

Юрагимнинг соҳир дардига  
Қулоқ солмай оворадирман.  
Ҳар бир урган хаста зарбига  
Малҳам топмай девонадирман.

Юрагимнинг ҳар ноласига  
Куй-қўшиқлар малҳам бўлар гоҳ.  
Ошиқона таваллосига  
Кўз ёшларим сел бўлар, звоҳ.

Юрак йиғлар самони кучиб,  
Ёлғизликдан нолон, гинадор.  
Аъмолидан гоҳида кечиб,  
Нола айлар ҳорғин, бемадор.

Миттигина, ҳайрон қоламан,  
Ҳар урганда кўксим гупирар.  
Сўнг ўзимни қўлга оламан,  
Нега юрак бунча кўп урар.

Юрагимнинг айтган додига  
Чидай олмай оворадирман.  
Ишқни солдим ёрнинг ёдига,  
Иккисига дилпорадирман...

02.10.2013

## ЯХШИЛИК ҚИЛИНГ ...

Дарахт баргидан чангларни қоқиб,  
Хаёт ташвишларин бирма-бир ёзиб.  
Қалбим нурларини зиёдай сочиб  
Ҳар инсон яшасин ўзгага ёқиб.

Қалблар зиёси нурдай тобланар,  
Гар инсон фикри серқирра бўлса.  
Кўнгиллар доим чоғ-хандон бўлар  
Иштиёқ қалбда доим барқ урса.

Дунё яралган гўзал ва нафис,  
Бизни бағрига чорлайди доим.  
Эзгулик кутар дилдан айлаб ҳис,  
Дўстлар қалбини боғлайди доим.

Ҳайҳот, ҳар куннинг қадрига етинг,  
Бу кунлар ҳеч қайтиб келмайди.  
Ёмонлик эмас, яхшилик кутинг,  
Яхшилик ҳеч дам ёмон бўлмайди.

Қалбим доимо қийнаб қўймайди,  
Армонларни ичга ютиб яшайди.  
Бошимдан ортса қай бир дардларим  
Метиндек ирода топиб яшайди....

10.10.2013

## ЭКИБ КЕТДИ...

Нолаларим юрагимдан тошиб кетди,  
Кўз ёшларим балолари ошиб кетди.  
Кўкламдай чаманларга буркаб-буркаб,  
Юрагимга гул-лолалар экиб кетди.

Юрагимда қотган ёмон қонларим ҳам,  
Юзларимни қора рангга бўяб кетди.  
Юрагимни эзган соҳир унларим  
Аклимни лол, белимни дол қилиб кетди.

Юрагимнинг нозик сезгир толалари,  
Ҳаётдаги хавф-хатарни олиб кетди.  
Билиб-билмай қилган мудҳиш хатолари  
Ўз вақтида унга огоҳ бериб кетди.

Бу юракда ихтиролар мўл-кўл экан,  
Инсон гоҳо билиб, гоҳо билмас экан.  
Нозиккина жуссасига ҳайрон қолиб,  
У бажарган ишларга кўз солмас экан.

Юрак қанча кўп талпинса эзгуликка,  
Унинг жону тани доим соғлом бўлар.  
Магар юрак айтганларин қанда қилса  
Ўша инсон ҳаётига доғлар тушар...

1.11.2013

## НАФИС ГУЛЛАР...

Менинг эккан нафис гулларим,  
Юз камалак рангни кўрсатар.  
Дилларда лов ёнган бу мавжлар  
Юрак зарбин бонгга ўхшатар.

Хилма-хиллик ҳайрат уйғотар,  
Дилда ёнган оташ сингари.  
Боғ-бўстонлар сизни эслатар,  
Қалбда мангу ўчмас чўғ бари.

Нафис гуллар доим тобланар,  
Нурли йўлда нозик тебранар.  
Сўндирманг, синдирманг уни  
У яшасин қалбда мангу-абადий!

Нафис гуллар очилган чоғи  
Баргларида яширинган сўзим.  
Мени асрар хавфу хатардан  
Ям-яшил барглари асло сўлмагай!

17.11.2013

## НАМОЁНДИР

*Ўзбекистон халқ артисти  
Г. Мамазоитовага*

Дунё-дунё дардлар жамдир хонишида,  
Истеъдоди дилдан куйлаб ёнишида.  
Қўшиқларин минглаб диллар қонишида  
Санъатининг аълолиги намоёндир.

Овозининг жарангидан жонда туғён,  
Нолалари тўлқинлатар дилни ҳар он.  
Сўзу куйга ижроси мос тушиб чунон,  
Санъатининг зеболиги намоёндир.

Гулсанамнинг истеъдоди ўзига хос,  
Услубига муносиб ижроси соз.  
Мухлисларни лол қилганда хушхон овоз  
Санъатининг яктолиги намоёндир.

12.07.2013

## ҚАЛҚОН ҚИЛАР...

Қурук гапдан бино қуриб бўлмагай,  
Муҳаббатсиз сафо суриб бўлмагай.  
Тилсимларни ечиб бўлмас заковатсиз,  
Ҳақиқатни топиб бўлмас адолатсиз.

Меҳр боис кўнгилларда унар гуллар,  
Муҳаббатнинг сеҳри боис обод диллар.  
Самоларни қучмоқ учун керак парвоз,  
Ижобатга йўллар очгай дилдан ихлос...

Даркор бўлса полвон тоғни талқон қилар,  
Хатар бўлса элга кўксин қалқон қилар.  
Бахт яралгай шижоату ғайрат боис,  
Шеър яралгай истеъдоду ҳайрат боис.

6.12.2013

## ФУРСАТ

Оила қадрига етиб яшашга,  
Афсус, қодир эмас барча инсон ҳам –  
Англамас тириклик ошин ошашга  
Лаҳза ўтган сари фурсат, имкон кам.

Тилда айтган билан муҳаббат, ишқ деб  
Юракда бўлмаса, ёлғону лофдир.  
Севги ҳаётларга бера олгай зеб  
Токи ҳақиқийдир, самимий-софдир.

Аллоҳдан берилган илоҳий туйғу –  
Муҳаббат битилмас ҳар пешонага.  
Севгисиз дил кулбаи вайронадир-ку,  
Айлана олмагай ҳеч қошонага...

25.11.2013



## АЙТГАНИДЕК БЎЛСА...

Анжуманлар саройида айтилган гаплар,  
Ҳақ-адолат тарозисин кўйди палласин.  
Ҳар соҳага бир-бир тўхтаб донишманд қадар,  
Она юртнинг келажагин тузди режасин.

Бу ҳаётнинг лаззатидан рўшнолик излаб,  
Замон акси харитага чизгилар берди.  
Ҳар жабҳаю ҳар соҳанинг кам-кўстини кўзлаб,  
Тўғрилашга белин боғлаб, тизгилар берди.

Анжуманлар саройида маъруза тинглаб,  
Ўтирганлар ўзига нақ керагин олди.  
Юрт қадрига етиш, уни севишни  
Юрагида сусткаш, ялқов ҳислар йўқолди.

“Соғлом бола” йили келар ажиб, сафоли,  
Юрт шаънини елкасида кўтарсин юксак.  
Ақл-заковат билан дунё бўстон мисоли,  
Юртбошимиз, айтганидек эзгулик керак!

08.12.2013

## ЯНА ЯШНАМОҚДА...

Оловдек бошланган илк муҳаббатим,  
Сўнмас юлдуз каби зўр порламоқда.  
Ёшлик дамларимга кўрк лиммо-лим  
Шеъримда сўз бўлиб боз чорламоқда.

Гўзал илк севгининг ширин онлари  
Қалбим уммонида таралиб борар.  
Токи илк муҳаббат яшар юракда  
Ўкинчу армонлар яралиб борар.

Бепоён, беқиёс қудратдир севги,  
Бўронлари бузар вақт барханларин.  
Оби ҳаёт бериб умрим боғига  
Яна яшнатмоқда ишқ гулшанларин...

15.12.2013

## СЕНГА МУБОРАК

Гулларнинг баргини сўлитган қорим,  
Арчалар баргини яшнатган қорим.  
Дилларни яйратган, яшнатган қорим,  
Янги йил арчаси, сенга муборак!

Жайхунларни жўштирган ўзинг,  
Сайхунларни тоштирган ўзинг.  
Миришқорни шоштирган ўзинг,  
Янги йил шукухи сенга муборак!

Ҳар йили байрам бу-дилда асрадим,  
Ўзингга жўр бўлиб қўшиқ куйладим.  
Қалбимдаги нафис ҳисли гулларим,  
Янги йил окшоми сенга муборак!

Бағрим тўла сўзлар ибоси,  
Қалблар тўла кўзлар жилоси.  
Бахтлар тўла кўнгил зебоси,  
Янги йил кечаси сенга муборак!

Ушбу кун гулларим яйраб яшнайтиди,  
Дилларга тароват, завқ бахш айлайди.  
Янги йил кечаси куй ҳам янграйтиди,  
Оромбахш сурури сенга муборак!

18.12.2013

## БАХТЛАР КЎЗЛАЙДИ...

Янги йилда теран фикрлар жамлаб,  
Бел ушлашиб майдонларда курашайлик.  
Дилни дилга боғлаб ширин хаёл билан  
Янги йилда давру давронлар сурайлик.

Киприк соясидан дурларни излаб,  
Юзим ёноғидан иболар излаб.  
Қошим атрофида баргларни тизлаб  
Ватан тупроғида яйраб яшнайлик.

Тугёнлар сўйлайди қалблардан жўшиб,  
Достонлар сўзлайди диллардан жўшиб.  
Зеболар кутади чин ошиқлардан,  
Иболар таралар нафис гуллардан.

Янги йил барчага бахтлар кўзлайди,  
Муҳаббатга маҳкам иплар боғлайди.  
Қалби пок инсонлар хонадонида  
Энг нафис гуллар яшнаб яйрайди...

Печкалар мўрисидан чиққан тутунлар,  
Инсон қалбини пурвикор тоғга боғлайди.  
Арчалар устидаги оппоқ-оппоқ қорчалар  
Инсонлар қалбини сирин пинҳон айлайди...

31.12.2013

## ҚАЛБИМНИ РОМ АЙЛАГАН МАСКАН

Ота-юртим Жизмон қишлоғимдаги 26-ўрта мактабни битирганимга ҳам 30 йил тўлибди. Беғубор ёшлик дамларимни эслаб, чексиз хаёлларга чўмиб қоламан... Жизмоним олдида бир умр қарздорлик ҳисси билан яшайман. Киндик қоним тўкилган бу дил-тортар маскан доим кўзим олдида гавдаланиб туради. Менинг орзуимга, мақсадимга эришишимда Она заминнинг ҳиммати ҳам, хизматлари ҳам бисёр... Бу ажойиб гўшанинг пурвиқор тоғлари, қир-адирлари ва бир-биридан гўзал манзарлари мен учун бебаҳо, унга таърифлар ожизлик қилади. Қиладиган ишларим чексиз... Шу заминда олган тарбиям, илмим, муҳаббатга бўлган ҳис-туйғуларим кўнглимни оқ тов чўққиларидек пурвиқор, нафис гулларидек беғуборликка чорлаганга ўхшайди.

Қишнинг кировли, изғиринли онлари доим қалбимга малҳам бериб келган. Унинг ифорлари димоғимда ҳалигача ҳид таратиб туради. Ҳар йили январнинг 5 санасида Тошкенти азим гўшаларини кезганимда ҳамоҳанг бўлган ифорларга гувоҳ бўламан. Бундан кейин келадиган баҳор фаслининг нафислиги қалбимни гўзал ларзалару лаҳзаларга буркайди. Ундан баҳра олган инсон қалби шодон кайфиятга тўлиб кетади. Инсон ҳаётида катта бурилиш вужудга келади, шершовкин ижод қилади. Бу 30 йиллик юбилейда ҳам ўзгача пурмаъно борлиги сезилиб туради. Бундан илҳомланган қалбим мисралар битишга ундай бошлайди.

Жизмоним менинг туганмас бойлигим ҳисобланади. Ундан олган илмим бугун дунё сарҳадларини кезиб юрганидан бахтиёрман. Маслагим мукаррам, яъни янада сарҳадлар сонини кўпайтириш, Ўзбегим номини янада кўпроқ тараннум этишдир.

Каминанинг шу даражага эришишида устозларимни беғараз чексиз хизматлари борлигини алоҳида эътироф этгим келади. Улар қайси соҳа мутахассиси бўлмасин ҳар биридан чексиз миннатдорман. Уларни кўплари орамизда йўқ (Миртазо бобо Раббимов, Ҳожи ота Нормамаат Мирзаев, Шакар бобо Сайдаҳмедов, Тоштемир бобо Исроилов, Исмоил ака Тоштемиров, Қудрат бобо Тўқсанов, Турсун ака Каримов) руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин. Сизлар доим қалбимда мангу, руҳимда эса абадий яшайсизлар...

30 йиллик юбилей билан барча-барча устозларимни чин қалбимдан самимий табриклайман. Барчангизга соғлик-омонлик, бахту саодат, узоқ умр тилайман. Яна кўплаб йиллар элни олқишидан баҳра олиб, умргузаронлик насиб қилишини ёлғиз Аллоҳимдан сўраб қоламан!

Юзингиз ойдай ёруғ,  
Тафтингиз офтобдай иссиқ.  
Дилингиз сувдай тоза,  
Қалби дарё устозлар.  
Қўлингиз олтинга тенг,  
Билмингиз дарёдай кенг.  
Тилингиз болдан ширин,  
Қалби дарё устозлар.  
Ҳар бир шогирд шўхлигига  
Бардош бериб, Сиз чидаган.  
Оппоғим, дўмбоғим деб,  
Пешонасин Сиз силаган.  
Кўнглида кири бўлмаган,  
Барчасига бирдай бўлган,  
Алифбодан сабоқ берган,  
Кўнгли дарё устозлар!  
Ким бўлишдан қатъи назар,  
Ҳаммасига дарс бергансиз.  
Кези келиб, адашганда,  
Барчасига йўл очгансиз

*“Маишъал” радиоси, 25.05.2013*

## МУҲАББАТ, СЕН ЧИРОЙЛИСАН

Табиат нақадар гўзал, мафтункордир. Киши қалбини бир лаҳза бўлса-да, ҳар хил куйга солиши тайин. Инсон қалби доим янгиликлар ва гўзал воқеалар гувоҳлигига ошиқади. Инсон қалби шундай нафиски, уни пайқаш жуда мушкул. Унинг торлари эса жуда нозик, табиати ўта мафтункор, лол қолдиради. Ўша мафтункорлик менинг қалбимни зор-зор йиғлатади. Чексиз хаёллар уммонига етаклайди. Ҳис-туйғулар бир зум бўлса-да, жисмимга тиним бермайди. Ўша ҳис-туйғулар меҳр-муҳаббатга ошно қила бошлайди. 30 йил олдинги ҳис-туйғулар бугун ҳам қалбимни бутунлай қамраб олган. Яна қайта пайдо бўлгандай... Бунинг сир-синоатини билиш жуда мушкул. Ҳар бир қалбни мавжи чексиз хаёлларга чулғайди. Унинг майдони ҳам кўз илғамас чексиз... Ақл бовар қилмайдиган даражада. Ўша майдонда, чиройли ва гўзал гўшаларда юришнинг ўзи таърифи бебаҳо... Бу лаҳзаларни эсласам, юрак-бағрим эзилиб кетади. Қалбимда беғуборлик, сокинлик ва шижоат пайдо бўла бошлайди. Бағримни кенг, тоғ каби пурвиқор эта бошлайди. Муҳаббатга ошно қалб ҳеч қачон ёмонликни эп кўрмайди. Доим дилдаги пок ниятлар орзу-мақсадлар бир лаҳза бўлса-да, тинчлик бермайди. Муҳаббатнинг гўзал гўшаларида кезмоқ ҳар кимга ҳам насиб қилмайди. Бу илоҳий неъмат инсон қалбини туб-тубидан қамраб олганга ўхшайди. Бунда ҳам ўзгача пурмаъно фикру мулоҳазалар мужассам бўлса, не ажаб... Муҳаббатнинг софлиги, гўзаллиги худди жаннатга ўхшайди. Унинг гулларидан кучоқ-кучоқ тергингиз келади.

Нафис ҳисларидан тўйиб-тўйиб хидлагингиз келаверади. Нариги дунёда яшаётганга ўхшайди. Қалбингиз шундай сокин, беғубор онларга гувоҳ бўлади. Гоҳида кўнглингиз ғашланади. Яна бир бошқа дунёдан нафас олиб, хушчақчақ бўлади. Кенг дунё торга ўхшаб кўринади. Тор дунё жуда кенгайиб кетганга ўхшаб кетади. Кўзингиз бирида ҳоргин, бирида эса чарақлаб туради. Дилингиз қанча кўп яйраса, кайфиятингиз осмон каби беғубор бўлади. Дилда хиралик бўлса, бу жаннатмакон жойлар орзуларингизни пучга чиқаради. Доим эзгуликни хоҳлаган инсон қалби беғубор, гўзал ҳаётга, муҳаббатга талпинаверади. Бу фоний дунё кашфиётлари,

ихтиролари инсон қалбини чексиз ларзаларга солиб келгани каби, муҳаббат ҳам гўзал лаҳзаларни ҳада қилади. Дунё лаззати шундай ширинки, унинг ширинлигини инсон ақли аниқлашга ожизлик қилади. Табиий асал боли ҳам тенглаша олмайди. Бу болдан татиб кўриш кимгадир насиб қилади, кимгадир насиб қилмайди. Табиат қанчалик гўзал бўлса, инсон ундан улгу олиб яшаса гўзал, юзида нур ёғилганга ўхшаб яшайди. Муҳаббатнинг сир-синоати чексиз... Унга бирдан таъриф беришга инсон ақли ожизлик қилади. Унинг лаззатини чексиз уммонларга ўхшатгим келади.

Бу беғубор ҳаётнинг сокинлиги-ю сершовкинлиги узоқ-узоқ ўйларга элтаверади. Нималарнидир ундан кутаверади. Қалби покларга ана шундай гўзалликни ато этади. Фоний дунё жуда қисқа бўлса-да, ундан унумли фойдаланиб, роҳатланиб яшаш керак. Муҳаббат дилида кири йўқларга кулиб боқади. Доим инсон қалби яхши нарсаларга талпиниб яшайди. Орзули дунёда орзулар рўёбини кўриб яшасин... Муҳаббатни боғида, чаманзорларида роса яйраб, даври давраулар сурсин...

Муҳаббатнинг гўзал биноси,  
Ёлғон ҳисдан тузилмас асло,  
Боғланса гар чин риштаси,  
Осонликча узилмас асло.  
Ҳаёт ичра қалбаки севги  
Эҳтиромга бўлмас сазовор.  
Ишқни ўйин қилган ошиққа  
Муҳаббатдан қаттиқ жазо бор.  
Чин ошиққа тенгсиз мукофот –  
Соф севгининг завқу роҳати,  
Ёр васлидан топади шифо  
Ҳижрон солган қалб жароҳати.  
Севишганлар муҳаббат номли  
Боғда гуллар тераверсинлар.  
Чин ошиқлар севги юзини  
Қора қилмай юраверсинлар!

12.07.2013



## БУ ЙЎЛЛАР...

Қишдек беғубор, қордек қалби пок, гўзалликка ошно нафис қалб эгаси педагогика фанлари номзоди, доцент дўстим Бобомурод Нуруллаев 1964 йилнинг 26 декабрь санасида таваллуд топган. Бу инсон Тошкент Давлат педагогика университетидида дастлаб талаба, аспирант, доцент, талабалар касаба уюшмаси раиси, физика-математика факультетидида декан муовини бўлиб кўп йиллар ишлади. 2007 йилнинг 15 февралиди бирлашган кенгашди номзодлик диссертациясини гумбирлатиб ҳимоя қилди. Кўплаб монографиялар, қўлланмалар ва илмий мақолалар муаллифидир. Ҳаётди жуда камтар, камгап инсонлиги билан алоҳиди ажралиб туради. Дўстимга доим соғлик-омонлик, бахту саодат, ишлариди улкан зафарлар тилайман. Ўзимга дунёди нимаики яхшиликларни тилаган бўлсам, бу инсонга ҳам ҳаммасини тилагим келди. Келгусиди докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиб элимизга, халқимизга хизмат қилади, деб ишонаман. Фарзандларининг роҳатини кўриб, давру давронлар суриб юришини истаб қоламан.

Бу йўллар ғоятди олис йўллардир –  
Ҳатто Ғафур Ғулом айтгандан қадим.  
Балки охирига етиб бормағай  
Йўлнинг аввалиди урган фарёдиди.

Фақат фарёдга ғарқ қилманг дилни,  
Тақдир деган шундай яралган бўлса.  
Майли, эътирофдан тиндирманг тилни  
Йўлларди юргандан кўнглингиз тўлса.

Ҳаёт асли шундай турфа, ранг-баранг,  
Гоҳо хафа қилар, гоҳиди мамнун.  
Зўр довондан ошган инсонни қаранг,  
Умрига бахш этар ўзгача мазмун.

Оқтовнинг ортидан йўллар бошланар,  
Кимдир тикка борар, кимдир энкайиб.  
Оллоҳнинг неъматини-истеъдод боис  
Сизнинг йўлларингиз боргай кенгайиб.

Боболар тилаган муродга етинг,  
Орзуманд аждодлар хурсанд авлодсиз.  
Янада зўр этинг авлод орзусин,  
Чунки бу кун муродига етган инсонсиз!

*“Маънавий радиоси”, 26.12.2012*

## УСТОЗЛАРГА ТАЪЗИМ

*(мактабдаги, институтдаги, ҳаётдаги ва илмдаги)*

Қалби беғубор онлар ва лаҳзаларга тўла устозларни байрам билан чин қалбдан табриклайман. Бу инсонлар қалби дарё, сўзи олтинлиги ҳар бир қилган хатти-ҳаракатида сезилиб туради. Бундан кўнглим доим шод бўлиб туради. Булардан олган ибрату билимлар чексиз уммонларга етаклайверади. Ҳис-туйғулар бутун қалбу ҳаёлимни ўраб олади. Бу инсонлар қилган ҳаракату интилишлари зое кетмаганлигидан доим фахрланиб юраман. Устозларимнинг ҳар биттаси мен учун катта асар. Булар хоҳ мактабда, хоҳ институтда ва ҳаётда бўлсин қалбимни тоғ каби пирвиқор этиб юради. Ҳар бир берган устозларча маслаҳатлари ҳаётимда катта роль ўйнайди. Уларнинг яхшиликларидан олган ибратлар келажак ҳаётимда акс этмоқда. Ҳаётнинг ҳар куни мен учун мактаб, устоз. Буларни улуғ кунларда доим эслаб туришга шошиламман. Яна уларнинг чиройли сўзларини эшитиб, ҳаётга бўлган қизиқишим ортади. Бу инсонларга ҳар қандай таърифу тавсифлар камлик қилади. Ҳар бирининг панду насиҳатлари ҳаётда ўзгача катта роль ўйнайди. Керакли жойда ишлатилади ва маълум бир муаммоларни ечишда асқотади. Ёшгина қалбни юксакларга етаклашда ҳар бир устознинг ўзгача ўрни бўлади. Фақат уларни ўз жойида ишлата билиш лозим бўлади. Биринчи синфдан то бугунги кунгача ўзларини устозларча фикрини аямаган, менинг қалбимга жо сўзларни битишга ундаганларга ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни билдираман. “Устозлар ва мураббийлар” байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Келгуси ишларида улкан зафарлар доим ёр бўлсин. Ҳар бир куни гўзал онларга, лаҳзаларга лиммо-лим бўлсин. Муҳаббатга ошно қалблари доим яйраб юрсин... Жуда кўплаб шогирдларга ўз фикру мулоҳазаларини беришдан сира чарчашмасин. Топганлари зиёда бўлсин. Ҳар бирини касб-корига барака берсин. Байрамингиз муборак бўлсин, устозлар!

Меҳрга зор қалбим тўрида  
Айтилмаган дардларим кўпдир.  
Армонлар ўқинчидан қўнган  
Ғуборлару гардларим кўпдир.

Шогирдларин севган чин устоз  
Меҳр билан силар бошларин.  
Муаллимлар юксаклик сари  
Йўллар элнинг зукко ёшларин.

Ёдда доим мактаб йиллари,  
Устозларим чеккан заҳматлар.  
Улар учун қўлим кўксимда,  
Айтгум ҳар вақт дилдан раҳматлар.

Ўргатишган ёзиш-ўқишни  
“Алифбо”ни ушлатиб қўлга.  
Хато қилсак тузатиб дарҳол,  
Солишарди энг тўғри йўлга.

Улар борки, зич, қалин бўлгай  
Етук ёшлар тизилган сафлар!  
Юксак манзилларни кўзлаган  
Устозларга шону шарафлар!

*“Машғал” радиоси, 30.09.2013*

## ҲЕЧ БИР ЗАМОНДА КЕЧИРМАС...

Ҳеч бир замонда ҳаёт бир текис бўлмаган, бўлмайди ҳам. Чунки шундай нопок одамлар борки ҳаётни бутунлай рельсдан чикариб юбориш учун жон-жаҳди билан курашиб яшайди. Улар каби разиллик, ҳасадгўйлик, бебурдлик, бефарқлик, бетамиз ва ҳаром билан яшайдиганлар пок қалбларга бир зум ҳам тинчлик бермайди. Бордию ҳузур қилиб яшаётганини сезиб қолса, дарров ҳамла қила бошлайди. Шундай экан, одамзод яралгандан бери қалби пок инсонларга тинчлик бермайди. Доим уларнинг қалбига илон захридан ҳам кучли заҳарини сочиб келган. Бундан кейин ҳам сочиб келаверади. Бу иллатлар фақат инсонга хос бўлган хусусиятлардир. Шундай одамларни кўрдим, ёмон ишларни қилмаса касал бўлиб қоларкан. Ҳаётимда, озми-кўпми илмий мақолалар, рисоалар, монографиялар ва ижодий тўпламлар ёздим. Буларни жуда ҳам зўр демोकчи эмасман, улардаги фикрларга шогирдман. Вақтлар келиб асл инсонлар баҳо беришига аминман. Бунга шошилаётганим ҳам йўқ. Қилинган, ёзилган ишлар ҳеч қачон четда қолиб кетмайди. Кун келиб қалби пок, ўз Ватанини жондан севадиган буюк шахслар келишига ишонаман. Ҳаётда аксарият ҳолларда инсон йўлига тўғоноқ бўлганлар кўп бўларкан... Айниқса, илм йўлида... Илм топаман деб кўп “меҳнат” топдим. Инсонлар йўл кўрсатиш ўрнига бемаза нарсаларни баҳона қилиб, ижодий ишларимнинг ҳал бўлишига тўсқинлик қилади. Тан хоҳлаган орзу ва мақсадларга етмаган кунлар ҳам кўп бўларкан ҳаётда... Сохта обрў ва ишларга зеб беришга қизиқмаганлар борлигини ҳаёт кўрсатиб турибди.. Ҳар бир ўзини севган, кадрлаган инсон доим ўз Ватани ва элида азиздир. У инсонлар юзида доим нур томиб туради. Ўта мафтункор, ўзининг ақли, фаросати, нафис дидлиги билан ажралиб туради ва ўзига тортади.

Самарқанд Давлат Тиббиёт институтида ўқиб юрган кезларимда Самарқанд вилоят касалхонасида бир ажойиб инсон дўхтир бўлиб ишларди. Мен ўша пайтлари 20 ёшларда бўлсам керак. Бир разил одам келиб, у инсоннинг дилини хира қилиб кетган экан. Шунда хафа бўлиб, яхши инсоннинг юзида қон томиб туради деганлари ҳақ эканлигини энди тушундим. Мен ўша кезларда ўзимга жуда

кўп саволлар берардим. Жавобини топмай овора бўлардим. Вақтлар ўтиб у киши бандаликни бажо келтирди тўсатдан. У кишини энди ўйласам, юзидан нур ёғилиб турарди. Яхши кишилар жуда кўп дея олмайман. Буларнинг сони жуда кам. Шу инсонларнинг борлиги туфайли дунё туришига ишонаман. Агар бўлмаганида эди, осмон билан ер тутшиб кетган бўларди. Одамларнинг кўзи кўзини еб кўярди. Бу дунёга келиб, кетганини билмаганлар жуда кўп. Бугуни билан яшаб, эртасини унутганлар қанча? Ваъда бериб лафзида турмаганларни айтманг. Ҳозир деганча жуфтакни ростлаганлар қанча? Аммо-лекин гапиртирсангиз тиллари жуда бийрон... Ўзининг гапи билан мот қилдим деб ўйлайди... Мақтаниб юради кўкрак кериб. Мен шундай ақллиман деб... Бундайлар аслида ҳеч нарсага арзимайди. Чунки бу инсонлар қиладиган ишлари ёмонлик, ҳасад билан яшайди. Уларнинг ичидан нур заррачаларидек қора кукунлар чиқа бошлайди... Бу кукунлар инсон организмига вируслардан ҳам ёмон таъсир қила бошлайди. Натижада уларнинг ҳаётида ҳеч нарса қолмайди. Одамзод буларнинг фақат ёмон томонларини эслайди. Одам шундай бўлишини била туриб бундай ишларга қўл уради. Оқибатда ёмон ишларни қилишга интилаверади. Натижада, жуда мудҳиш, аянчли воқеалар билан тугайди. Бундай воқеалардан ҳеч бир инсон озод бўлмаса керак. Менинг ҳам ҳаётим аксарият ҳолларида яхши одамлар билан бўлди демоқчи эмасман. Акси билиб-билмай шундай одамлар билан ўралашиб қолган кунлар ҳам бўлди. Буларни дўст дея олмайман, сабаб қаричини калта ўлчаганлар бўлса керак. Олдимда мени мақтаб, ортимдан “яхши фикрлар билдирганларни” ҳам биламан. Дўстингман деб “сирдош фикрларимни” билиб юзимга айтганлар ҳам бўлди. Ҳатто “раҳмат” деганлар учради.

Лекин қалби нопок одамларнинг битта мақсади бўларкан. У ҳам бўлса, сиздан манфаатдорлик излаб, сизни мақтаб кўқларга кўтарар экан. Худодан ҳам кўрқмас экан... Мақтовни ҳеч қачон қалбим севмаган, севмайди, қабул қилмайди. Жуда кўп яхши инсонлар билан ҳамфикр бўлдим. Уларнинг ҳар биридан олам-олам завқлар олдим. Ҳаётимнинг ҳар бир куни мени қувончли онларга мушарраф қилди. Булардан чексиз миннатдорман. Ҳаётимнинг сўнгги кунларигача уларни севаман, ардоқлайман. Улуғ инсонларнинг ўғитлари, ибрат-

лари ишларимга, ҳаётимга асос бўлиб қолаверади. Шундай инсонлар ота-она дуосини олганлардир. Шунга айтса керак “дуо билан эл кўқарар, ёмғир билан ер кўқарар”, деб...

Дунёни беринглар дили покларга,  
Азму шижоати қайнаб тошганга.  
Дунёни севинглар, қалби дарёлар,  
Уни асранглар, дили соғломлар.

Дунёни билинглар кўнгил тўлганча,  
Шеърлар ёзинглар сўзлар топганча.  
Юракни кенг олинг равон бўлганча,  
Дунёда тинчлик, соғлиқ бўлганча.

Бағрингиз кенг бўлсин Амударёдай,  
Қалблар жўш урсин Сайхундарёдай.  
Яхши одамлар доим бор бўлсин,  
Ҳаёти зебу забарга лиммо-лим тўлсин...

Дунё сарҳадларин бирма-бир кезиб,  
Ҳаёт ташвишларин ёзиб бораман.  
Инсонийлик ришгасин варақлаб секин,  
Дунё бўйларига бир кун етиб бораман.

Кези келиб менга Аллоҳ вақт берса,  
Кўп йўлларни равон, гўзал қиламан.  
Бир кун келиб адолат бахшида бўлса,  
Ватан учун жонимни фидо қиламан.

Қалбимдаги ситамларим ошиб кетди,  
Кўнгилдаги губорларим тошиб кетди.  
Кўнгил бериб эккан гўзал боғларим  
Чўллару саҳродек қуриб кетди...

*14.10.2013*

## ГЎЗАЛЛИККА ОШНО ИНСОН

Ёз фасли ўзининг таровати, гўзаллиги ва мафтункорлиги билан алоҳида бошқа фасллардан кескин фарқ қилади. Инсон зоти ҳам қайси фаслда туғилиши билан ўзининг феъл-атвори билан, ажралиб туриши кишини ҳайратга солади. Ана шу ҳайрат инсон тафаккурини янгиликларга, буюк кашфиётларга чорлайверади. Ёзнинг айна пишиқчилик кезларида, яъни 1940 йилнинг 18 август санасида Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Бағожот қишлоғида таваллуд топган Каттақўрғон туманларида кўп йиллар раҳбар бўлиб ишлаган Баҳриддин ака Шамаматов. Бу инсон Нурота тоғ ён бағриларида ўйнаб-қулиб, ўзининг бегубор ёшлик онларини жуда мазмунли ўтказиб, ўсди. Ундан олган таассуротлар Баҳриддин акани Самарқанд шаҳрига бошлаб борди. СамДУ тарих факультетига ўқишга кириб, уни намунали тамомлади. Кейин эса бутун ҳаётини раҳбар бўлиб ишлашга бахшида қилди. Дастлаб Қўшработ туманида 10 йил, кейин эса Каттақўрғон туманида биринчи раҳбар бўлиб кўп йиллар ишлади. Ёшларнинг комил инсон бўлиб етишишида бутун билими, тажрибасини беминнат ҳадя қилган инсон Баҳриддин акага соғлиқ-омонлик, ишларида улкан муваффақиятлар тилайман. Фарзанду набиралар камолини кўриб юрсин. Кексалик гаштини суришдек буюк бахтни ёлғизгина Аллоҳдан сўраб қоламан.

Нурота тоғларида хўп кезгансиз,  
Боғдаги гулларида кўп тергансиз.  
Кўл ушлашиб, дилдаги бор сўзлардан  
Дилхуш инсонларга дил битгансиз.

Қалбингизга ёққанига гул тутдингиз,  
Дилдаги дур сўзлардан гул тиздингиз.  
Қўшработда кўп йиллар раҳбар бўлиб  
Қалбдаги боғларга гул экдингиз.

*“Машғал” радиоси, 18.08.2013*



## МАҚСАДЛИ ДУНЁ

Гўзал сўзларни ёлғондан ёзишга доим уриниб келганмиз. Бу сўзлар инсон юрагини дилпора қилади деб ҳам ўйламаймиз. Чунки шунга ўрганиб қолганмиз. Бу дунёнинг ўзи ёлғон экан, деб юрамузу ўзимизга ҳеч қандай савол бериб ҳам кўрмаймиз. Мана шунинг ўзи ҳам инсонни шубҳага солиши тайин. Қалбимиз айтган ишларни қилмасликка уриниб кўрамиз. Бу ҳаётнинг гўзал онлари-ю лаҳзалари киши қалбига олам-олам завқ инъом этганлигини унутиб кўямиз. Гоҳида юракка оғриқли найзалар санчиб кўямиз. Бу оғриқлар бир умр яра бўлиб қолишини ўйламаймиз ҳам. Аммо оила деган бир давлатни четга сургандай бўламиз. Бунинг муқаддас эканлигини унутиб, қўлига гуллар бериб сизга оромбахш этган онлар бироз четда қолиб кетганга ўхшайди. Буларнинг бари биргина ҳавас, орзу бўлса керак... Мен бугун 18 йилдан бери гўзал онларни тортиқ этиб келаётган Нарғиза Темур қизини шу мушарраф кун билан чин қалбимдан табриклайман. Узоқ умр, бахт-саодат, ўзи мақсад қилиб юрган ниётларига эришиб юришини тилайман. Дунёдаги неки яхшиликлар бўлса, барчасига мушарраф бўлишини истайман. Дунё тургунча турсин. Фарзандларимиз: Маҳлиё ва Зафарларнинг роҳатини кўриб юришинини қодир эгам – Аллоҳдан сўраб қоламан... Уларнинг бахтли онларида доимо бирга бўлиб давру давронлар суриб юрсин... Атиргуллардек доим очилиб турсин... Орзули дунёнинг мақсадларига эришиб юрсин...

Оила қадрига етиб яшамоқ,  
Ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмас.  
Аллоҳ инъом этган куну тунидан  
Ҳеч бир инсон четда қолган эмас.

Муҳаббат деб тилда сўзлаган билан,  
Ҳаёт уни бир дам эсламас ҳатто.  
Дилда дарди бўлмай тилида юрган  
Ёлғончининг умри бош-оёқ хато!

Муҳаббатни Аллоҳ асрагай абад  
Ошиқлар бўйнига тумор ҳам осмас.

Дили пок, қалбида яшар муҳаббат,  
Чин қалбга залолат сачраган эмас.

Муҳаббат илоҳий-Аллоҳ бергани,  
Пешона ёзиғи илоҳий савдо.  
Билиб-билмай ҳаққа шак келтирганни  
Бошига орттирар беадад гавғо.

Оила муқаддас, табаррук гўша,  
Безавол асрасин ҳар ким ҳамиша,  
Токи дарз кетмасин, синмасин асло,  
Муҳаббат-энг нафис биллурий шиша.

*“Маишъл” радиоси, 25.11.2013*

## ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА...

Бу дунёнинг эзгуликка чорловчи беминнат хизматлари билан элнинг олқишларини олиб юрган “Машъал” радиоси ходимлари! Барчангизни кириб келаётган 2014 йил – “Соғлом бола йили” билан Яккасарой тумани тиббиёт ходимлари номидан табриклайман. 23 йилдан бери шу элга хизмат қилиб келаётганимдан мамнунман. Тиббиёт соҳаси самимийликка йўғрилган экан, бир умр унга содик қолишга мушарраф бўлиб юрганимдан бениҳоят миннатдорман. Сизларнинг ҳар бирингиз олиб бораётган дастурларингиз менинг қалбимни энг эзгу лаҳзаларга етаклайди. Айниқса, Маъмуржон Абдиев, Саида Ҳайбатова, Зилола Эшонхонова, Гўзал Муҳамедова, Шаҳноза Жўраева, Раъно Муҳамедова, Нозима Носирова, Норбек Ниёзов, Мирали Боймуродов, Улуғбек Ҳакимжонов, Сайфулла Икромов, Зулфизар Каримова каби журналистларнинг эфирда олиб борган дастурлари инсон қалбини жўшқин лаҳзаларга олиб келганлиги рост. Чунки инсондаги самимийлик доим инсонни қалбини ром қилиб келган, ром қилиб қолаверади... Бу сўзлар бирон инсонни юксакларга кўтариш эмас, балки улардаги бор тугённи айтмоқчиман, холос. Улар бир йилда олиб борган машаққатли меҳнатлари тўғрисида гапирмоқчи ҳам эмасман. Аммо, бир йил давомида инсонлар қалбига рўшнолик солганлигини айтмоқчиман... Доим шундай бўлиб қолишини истайман... Сиздек беғубор, хавасларга тўла инсонлар бор экан, юртимизда гўзалликка ошно инсонлар сони кўп бўлишига ишонаман... Буларни кўп бўлиши бизу сизни ижодимизда улкан-улкан зафарлар ёр бўлишига кенг йўллар очади. Бир қарашда ҳамма жой текисдай кўринади. Сиз ўйлагандай эмас... Адир – будир, қиру текисликлари бор. Гоҳида буларнинг ҳаммасини унутганга ўхшаймиз. Эътибор бермаганга ўхшаймизу келажак жуда катта мақсадларни олдимизга қўйганга ўхшайди...

Кириб келаётган “Соғлом бола йили” бизга улкан-улкан муваффақиятларни мушарраф этади деган умиддаман. Шу билан бирга табобатимизга беминнат хизматларини аямаган устозим марҳум доцент Зафар Ҳамроқуловга, қолаверса академик Саиджа-

лол Бахромовга, Самарқанд вилояти кўп тармокли тиббиёт Маркази бош шифокори Хуршида Матлюбовага, тиббиёт фанлари номзоди Аслан Аббасовга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман ва табрикламоқчиман. Тугёнларга тўла қалбим не-не лаҳзаларни истамайди, дейсиз. Қуйидаги мисралар инсонлар қалбига рўшнолик солади, деган умиддаман...

Янги йил табриги-эзгу тилаклар,  
Инсонлар қалбига рўшнолик солсин.  
Дилда жўшган жўшқин куйлар садоси  
Болалар қалбида тоабад қолсин.

Янги йилда барча ҳамкор, ҳамнафас  
Бирга довлардан ошиб ўтайлик.  
Орзу-мақсадларга маҳкам бел боғлаб,  
Келажак авлодга гуллар тутайлик.

Бағри кенг ўзбегим хонадонида  
Жажжи болакайлар шўх-шодон бўлсин.  
Эзгулик йўлида тиним билмаган  
Қутли хонадонлар бахтларга тўлсин...

Юртбошимиз айтган эзгу тилаклар  
Барчамизни бирдай хушчақчақ этсин...  
Соғлом бола йили дастури токи  
Янги авлод йўлини кенг-равон қилсин...

*“Машъал” радиоси, 31.12. 2013*

## ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

1. Табобатда эзгу ниятлар, мақсадлар жуда кўп... Табобат санъатлар ичида энг сараси, нафиси, буюги. Бу соҳада фақат олижаноблик ҳукмронлик қилади. Инсон қалбини, танини даволайди. Бу соҳада одамлар эмас, балки Аллоҳ назари тушган инсонлар фаолият юритади.

24.09.2013

2. Ҳаёт шу қадар гўзалки, ундан лол бўлиб, хайрат билан баҳра олиб яшаш керак.

3. Ёшликнинг гўзал онлари, лаҳзалари қалбимни мафтун қилиб келган. Бир умр унга шундай бўлиб қолади...

4. Дарёдек қалқиган юрагим менга ҳеч қачон тиним бермайди...

5. Табобатнинг сир-асрорлари шунчалик кўпки, уларнинг ҳаммасининг бутунлай ечимини топиб бўлмайди.

6. Инсон қалбидек тоза, соф нарсанинг ўзи йўқ бўлса керак дунёда...

12.06.2013

7. Бахтли киши деганда мард, ори учун курашадиган ҳур фикрли донишмандни тушунаман.

5.01.2014

## Мундарижа

Яшнаб, гуллаб туришгай.....	3
Онаизор мадхи .....	5
Тилайман .....	6
Ажиб дунё ғояси бор... ..	7
Мактабим .....	8
Сирли дунё .....	9
Тўртликлар .....	10
Тиббий маскан .....	11
Бўлмади ёр .....	12
Аклимни лол қилиб кетди .....	13
Куйлаганда... ..	14
Баҳор фаслида .....	15
Дил изхоримга .....	16
Гул экиб бўлмас... ..	17
Қасрлар қурдим .....	18
Юрак ноласи .....	19
Яхшилик қилинг... ..	20
Экиб кетди... ..	21
Нафис гуллар... ..	22
Намоёндир .....	23
Қалқон килар... ..	24
Фурсат .....	24
Айтганидек бўлса... ..	25
Яна яшнамоқда... ..	26
Сенга муборак .....	27
Бахтлар кўзлайди... ..	28
Қалбимни ром айлаган маскан .....	29
Муҳаббат, сен чиройлисан .....	31
Бу йўллар... ..	33
Устозларга таъзим .....	35
Ҳеч бир замонда кечирмас... ..	37
Гўзалликка ошно инсон .....	40
Мақсадли дунё .....	41
Эзгулик йўлида... ..	43
Ҳикматли сўзлар .....	45

Адабий-бадий нашр

**НАФИС ГУЛЛАРИМ БУ...**

(Шеърлар)

Мухаррир: Сафар Оллоёр  
Техник муҳаррир: Шерали Намозов  
Мусахҳих: Тўлқин Раҳим

Теришга 28.01. 2014.да берилди. Босишга 23.01. 2014.да рухсат  
этилди. Қоғоз бичими 60×84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Нашр босма тобоғи 3.  
Адади 100. Офсет босмада чоп этилди.

3800 e

mob: +99890 808 70 98  
+99894 677 94 39

“HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO’LIZASI” bosmaхонасида chop  
этилди. Toshkent шахри, Olmazor кўчаси, 171-уй.